

# Ҳаж сафари.

## ﴿سفرة الحج﴾

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي ]

Абдуллоҳ Шариф

**Нашрга тайёрловчи:** Шамсиддин Дарғомий

2009 - 1430

islamhouse.com

# سفرة الحج

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله شريف

تحرير: شمس الدين درغامي

2009 - 1430

islamhouse.com

~2~

## بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

الحمد لله رب العالمين والعاقبة للمتقين والصلاة والسلام على خير خلقه محمد وعلى آله وصحبه أجمعين أما بعد:

Асслому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ!

Ҳурматли хожи биродарлар! Оллоҳ таолонинг ҳаж учун бўлган чақириғига лаббай деб сафарга шайланар экансиз, бу муборак амалингиз муборак бўлсин! Оллоҳ таоло барчаларингизни ҳажларингизни ўз даргоҳида қабул айлаб, худди онадан янги туғилган боладек гуноҳлардан поклаб, диёрларингизга соғ саломат қайтарсин!

Оллоҳ таоло “Нисо” сурасининг олтмиш тўққизинчи оятида ўзига ва Росули Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилган кишилар учун, бўладиган марҳаматларни баён қилиб, шундай башорат беради:

وَمَنْ يُطِعِ اللَّهَ وَالرَّسُولَ فَأُولَٰئِكَ مَعَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالصَّادِقِينَ وَالشُّهَدَاءِ وَالصَّالِحِينَ وَحَسُنَ أُولَٰئِكَ رَفِيقًا

“Кимда – ким Оллоҳ ва Пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар Оллоҳ инъомларига сазовор бўлган зотлар Пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўлурлар. Ана ўшалар энг яхши ҳамроҳлардир”.

Албатта Оллоҳ ва унинг Пайғамбари Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва саллам га итоат қилган ҳолда ҳаж қилгувчилар Оллоҳнинг марҳаматига етишгайлар.

“Ҳашр” сурасининг еттинчи оятида эса Пайғамбар зот келтирган нарсани олишга ва қайтарган нарсдан дарҳол қайтишга буюриб шундай дейди:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

“Пайғамбар ўзи сизларга ато этган нарсани олинглар у зот сизларни қайтарган нарсдан қайтинглар”.

Чунки Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳавойи нафсдан сўзламайдилар, балки Оллоҳ таоло нажм сурасида хабар қилганидек нутқлари ваҳийдир.

“Аҳзоб” сурасининг йигирма биринчи оятида, Оллоҳга ва охиратга иймони бўлиб, Оллоҳни кўп зикр қилувчи кишилар, Оллоҳнинг Росулидан ўрнак олишлари кераклигини уқтириб шундай дейди:

لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ يَرْجُو اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا

Албатта сизлар учун Оллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган, ҳамда Оллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Оллоҳнинг Пайғамбарига гўзал намуна бордир.

“Оли имрон” сурасининг ўттиз биринчи оятида эса Оллоҳ таолони севмоқлик унинг Росулига эътиқод қилишга боғлиқлигини таъкидлаб шундай дейди:

قُلْ إِنْ كُنْتُمْ تُحِبُّونَ اللَّهَ فَاتَّبِعُونِي يُحْبِبْكُمُ اللَّهُ وَيَغْفِرْ لَكُمْ ذُنُوبَكُمْ

“(Айтинг эй, Муҳаммад): агар сизлар Оллоҳни севсангиз менга эргашинглар. (шунда) Оллоҳ сизларни севар ва гуноҳларингизни мағфират қилар”.

“Нисо” сурасининг саксонинчи оятида эса Росулга итоат қилиш Оллоҳга итоат қилмак деганидир, итоатдан юз ўгирганлар эса, ўзларинигина маломат қилсинлар деган мазмунда шундай дейди:

مَنْ يُطِيعِ الرَّسُولَ فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ تَوَلَّى فَمَا أَرْسَلْنَاكَ عَلَيْهِمْ حَفِيظًا

“Ким Пайғамбарга итоат қилса, демак у Оллоҳга итоат қилибди. Ва ким юз ўгирса, (билинг – ки, эй Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Биз сизни уларга кўриқчи қилиб юбормадик”.

Демак манабу оятлардан Оллоҳ таолога итоат қилиш, уни севиш ва унинг муҳаббатини қозаниш, унинг мағфиратларига етишиш, жаннатдаги, неъматларига мушарраф бўлиш, Оллоҳ таолонинг Росулига итоат қилиш ва у зотни етакчи, ўрнак қилиб олиш билангина қўлга киритилиши ва кимда ким бу итоатдан юз ўгирса, ўзигагина зарар келтириши маълум бўлди. Ҳаж ҳам Оллоҳ талога итоат қилиб, унинг Росули Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашиб, қилинадиган катта ибодатдир. Қолаверса ҳаж Исломнинг беш рукнларидан бири бўлиб, усиз Ислом камолатига етмайди. Ҳаж ана шундай буюк ибодат бўлганлиги учун, бу ибодатнинг кўп аҳкомларини Оллоҳ таолонинг ўзи қуръон каримда баён қилган, ҳатто ҳаж исми билан номланган бир сура ҳам нозил қилган. Оллоҳ таоло ҳаж ибодатини, жамики ўтмиш пайғамбарлар умматига фарз қилиб, жумладан

Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига ҳам, фарз қилди. Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бу буюк ҳаж амалларини гоҳо тил билан гоҳо амал билан, баён қилиб бериб, ҳажда умматлари учун руҳ тарбиясига оид бир қанча олий сабоқлар қолдириб кетганлар.

Ҳожи биродарлар ҳажлари дуруст бўлиб Оллоҳ даргоҳида мақбул бўлиши учун, Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам нинг ҳаж учун, қилган таълимотларидан хабардор бўлишлари лозим бўлганидек, у зотнинг ҳажда руҳ учун берган озуқаларидан ҳам баҳраманд бўлмоқлик даркор. Чунки бадан озуқага муҳтож бўлганидек, руҳнинг ҳам озуқага бўлган эҳтиёжи жуда каттадир. Шунинг учун Саҳобалар Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам иштирок қилган бирор бир ибодат ёки амалдан ортда қолмай, у зотни ҳамма ишларида, ўзларига етакчи қилиб олган эдилар. Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаж учун чиқишлари одамлар орасида тарқаб улгирмадиямки, мусулмонлар Мадина атрофидаги шаҳар ва қишлоқлардан Мадинага гуруҳ гуруҳ бўлиб келган эдилар. Тарих ва сийра уламолари айтишларича: ҳажжатул ваъдода, юз мингдан ортиқ саҳоба жамланган экан. Оллоҳнинг бутун олам учун раҳмат қилиб юборган элчиси билан бирга ҳаж қилиш қандай ҳам бахт ва шараф!

Келинлар! Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажда умматлари учун кўрсатган ахлоқларидан Оллоҳ таолони фақат ўзигагина ибодат қилиш ҳақида бир оз дарс қилиб, у зотдан гўзал ўрнаклар олиб, иймонимизни зиёда қилсак.

Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж амалига киришишдан аввал ниятларини фақат Оллоҳ учун қилиб, сумъа ва риё аралашиб қолишидан паноҳ сўраган эдилар.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки:

“Эй, Оллоҳим! Менга риё ва сумъасиз ҳажни насиб айлагайсан!”

Чунки Оллоҳ таоло қуръони каримда:

وَأَتِمُّوا الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ لِلَّهِ

“Ҳаж ва умрани Аллоҳ учун холис адо қилинлар”

дея ҳаж ибодатларини пухта ва ихлос билан бажаришга буюрган эди.

Уламолар ҳар бир ибодат Оллоҳ даргоҳида мақбул бўлиши учун икки нарсани, суннатга мувофиқ бўлиши ва холис Оллоҳ учун ният қилинмоқлигини шартдир дейдилар. Шунинг учун амал холис бўлсаю, лекин шариатга мувофиқ бўлмаса, ёки шариатга мувофиқ бўлиб, холис Оллоҳ учун бўлмаса, у амал мақбул эмасдир. Ҳожи биродарлар огоҳ бўлсинлар! арзимас бўлмағур нарсалар учун ният қилиб, ёки аҳли илмларга мурожат қилмай, ҳаж амалларини ўз ўзларича бажариб, яъна ҳажнинг савобу ажрларидан ўзларини маҳрум қилиб қўймасинлар!

Не не машаққатлар чекиб узоқ сафарга чиққан ақлли киши бу сафаридан манфаатсиз қайтишни хоҳлармиди?

Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам “саҳиҳул бухорий”да ривоят қилинишича:

السفر قطعة من العذاب

Сафар азобдан бир қисмдир деганлар. Халқимизда ҳам шу ҳадисга таяниб йўл азоби гўр азоби деган мақол бор. Бундан ташқари қанча қанча маблағлар сарф қилинади. Мана бундай маблағларни беҳуда кетишига озгина ақли бор киши йўл қўярмиди? Йўқ албатта, мусулмон киши бундай бефойда ишлар қилиши ва вақтини бекор ўтказиши дуруст эмас, чунки умр қисқа, солиҳ амаллар жуда оз, гуноҳлар эса кўп.

Росулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ниятларига бир эътибор қилайлик, бу ҳаж учун қилган ниятларида, Оллоҳ таолодан ихлосни сўраб, риё ва сумъадан, яъни хўжақўрсин, ёки эшитсиндан паноҳ тилаяптилар. Бу ҳадисдан Оллоҳ таолони ўзигагина илтижо қилиш, ўзидангина ёлвориб тиланиш дарси олинса, Оллоҳ таолони ибодатга фақатгина ёлғиз ўзи ҳақли бўлиб, ундан бошқаси лойиқ эмас деган маъно ҳам, яққол кўриниб турибди.

Талбия айтишларида ҳам Оллоҳ таолони ягоналаб, уни шериклардан поклаб, шундай дердилар:

لبيك اللهم لبيك لبيك لا شريك لك لبيك إن الحمد والنعمة لك والملك لا شريك لك

“Лаббай, эй, илоҳим! Сен шериксиз ягонасан, лаббай! Ҳамду сано Сенгадир, неъмат ва мулк Сенингдир! Сенинг шеригинг йўқдир!”.

Бу талбия эҳромга кирилган заҳотиёқ айтилиши бошланиб, то ҳаж амаллари якунланиб, жамратул кубро тоши отилгунга қадар, яъни ҳайит намози ўқиладиган маҳал, ёки ундан бир оз олдинроқ тўхтатилади. Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам мана Бундай узоқ вақт Оллоҳ таолони ибодатга ўзинг лойиқсан, сендан бошқаси ҳақли эмас деб, Оллоҳ таолони илоҳликда танҳолигини эътироф этиб, қулчилик мақомларини тадбиқ қилиб, умматлари учун намуна бўлиб бердилар.

Маккага етиб келганларида, Каъбани тавоф қилганларидан кейин, мақоми Иброҳимда икки ракаат намоз ўқиб, биринчи ракаатда кафирун иккинчи ракаатда эса ихлос сурасини ўқидилар. Бу икки сура ҳам ибодатга фақатгина Оллоҳ таолонинг ўзи ҳақли ва ундан бошқаси лойиқ эмас деган мазмундадир. Сафо ва Марва тоғига бориб, етти маротаба сайъ қилиб, ҳар гал икки тоғ олдига етиб келганларида, Оллоҳнинг ваҳдониятига далолат қилувчи ушбу дуони уч бор ўқиган эдилар.

« لا إله إلا الله، والله أكبر، لا إله إلا الله وحده لا شريك له، له الملك، وله الحمد، يحيي ويميت، وهو على كل شيء قدير، لا إله إلا الله وحده، أنجز وعده، ونصر عبده، وهزم الأحزاب وحده

Сўнг бошқа дуоларга ўтардилар. Арафот кунида эса заволдан кейин то қуёш ботгунгача Арафотда мана бу дуони ўқидилар:

لا إله إلا الله وحده لا شريك له، له الملك، وله الحمد، يحيي ويميت، وهو على كل شيء قدير

Бу дуолар Оллоҳ таолонинг илоҳликда, яккаю ягоналигига далолат қилиб ундан бошқаси ибодатга ҳақли эмаслигини билдиради.

Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам Маккага келганларида Каъба атрофида уч юз олтмишта бут бор эди. Ҳали Исломни тўғри тушиниб етмаган чала мусулмонларнинг кўзлари олдида, муборак қўлларидаги ҳассалари билан, бу бутларни ағдариб, булар зарар ҳам, фойда ҳам келтира олмаслигини ва ибодатга фақатгина Оллоҳ таолонинг ўзи ҳақли эканини, яъна бир бор исботлаб бердилар.

Дастлаб айтиб ўтганимиздек Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳажга чиқишларини эшитган мадина ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқлардаги мўъмин мусулмонлар ва ислом динига янги кирган узоқ диёрлардаги мусулмонлар, ҳаж сафарига отланишган эди. Росулulloҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам бу сафарда, ҳар хил хулқ атвордаги, турли араб қабилалари билан муомалада бўлиб, уларга дин аҳкомларини, таълим қилиш каби, оғир масъулиятларни кўтариш билан бир қаторда, у зотни узоқ диёрлардан келган

мусулмонларнинг элчилари билан кўришиб, улар билан муносиб алоқалар қилиш каби, катта катта вазифалар кутиб турган эди. Буларнинг ҳаммаси у зотни Роббиларига бўлган ибодатдан заррача ҳам машғул қилмади, Бундан ташқари оила аъзолари ва қавми қариндошларининг улкан ҳақ ҳуқуқларини унитмай, ҳажда ҳар бирига керакли муомалалар қилдилар, ваҳоланки бу муқаддас заминга тўпланган катта аломоннинг ҳаммасининг кўзи Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламда эди, у зот қандай амаллар қиладилар, қаерга борадилар, қаерда ўлтирадилар ва ухлайдилар, қулоқлари ҳам у зотнинг оғизларига динг бўлиб, нимага буюриб нимадан қайтарар эканлар, буйруқларига ҳамма мунтазир, бир лаҳза ҳам у зотдан ғофил эмаслар. Оллоҳ таолонинг лутфи карами ила сабру матонат билан мададланган зот, бундай улкан масъулиятлар олдида, забардаст туриб, Оллоҳнинг буйруқларини ўзи ҳоҳлагандек адо этдилар. У зотга Оллоҳ таолонинг салому саловотлари бўлсин.

وآخر دعوانا أن الحمد لله رب العالمين